

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

БОЗАРИПОВ СОЙИБЖОН ЖОНИБЕКОВИЧ

**ТУРЛИ ХИЛ ЭТИОЛОГИЯЛИ НЕФРОПАТИЯДА ЎПКАНИНГ
НОРЕСПИРАТОР ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Бозарипов Сойибжон Жонибекович

Турли хил этиологияли нефропатияда ўпканинг
нореспиратор фаолиятини баҳолаш 3

Бозарипов Сойибжон Жонибекович

Оценка нереспираторной функции лёгких при
нефропатиях различного генеза 23

Bozaripov Soyibjon Jonibekovich

Evaluation of non-respiratory function of lungs
in nephropathy of different genesis 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 49

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

БОЗАРИПОВ СОЙИБЖОН ЖОНИБЕКОВИЧ

**ТУРЛИ ХИЛ ЭТИОЛОГИЯЛИ НЕФРОПАТИЯДА ЎПКАНИНГ
НОРЕСПИРАТОР ФАОЛИЯТИНИ БАҲОЛАШ**

14.00.16 – Нормал ва патологик физиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Tib169 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tma.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Охунов Алишер Орипович тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Зокиров Ёрқин Узуевич тиббиёт фанлари доктори Собиров Мақсуд Атабоевич тиббиёт фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	Самарқанд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2. Тел/факс: (+99871) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ кунни тарқатилди.

(2018 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ж.Эрматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.У.Ирискулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сурункали гломерулонефрит, артериал гипертония, диабетик нефропатия каби касалликлар сабабли сурункали буйрак етишмовчилигини (СБЕ) сони ўсиб бормоқда¹. Бугунги кунда буйрак етишмовчилиги энг кўп тарқалган соматик патологиялардан бири бўлиб, нефрологлар, эндокринологлар, кардиологлар ва терапевтлар олдидаги энг муҳим вазифа – сурункали буйрак етишмовчилигини гемодиализга сабаб бўлувчи терминал босқичга ўтиш вақтини узайтиришдан иборат бўлмоқда. Интенсив терапия, жонлантириш усуллари ва замонавий тиббиёт муваффақиятларига қарамай, бу касаллик бўйича ўлим кўрсаткичи 68% дан кам эмас². Мазкур кўрсаткичдан кўриниб турибдики, ҳозирда буйрак етишмовчилигининг олдини олиш муҳим ва долзарб ҳисобланади.

Жаҳонда турли хил этиологияли нефропатияда ўпканинг нореспиратор фаолиятини баҳолаш сифатини яхшилашга қаратилган профилактик тадбирларни юқори самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан: патологик жараёнини кечиши клиник шароитларга мос келадиган диабетик нефропатия фонидаги сурункали буйрак етишмовчилигида ўпканинг морфологик тажрибавий модели ва азотемия намоён бўлиш хусусиятларини, турли хил этиологияли нефропатияларни тажрибавий моделларида аралаш веноз ва артериал қон намуналарида яллиғланиш олди цитокинлари ва яллиғланиш башоратчиларини миқдорини ўзгариш хусусиятларини, нефропатияларни тажрибавий моделларида аралаш веноз ва артериал қон намуналарида NO-тизими ҳолатига баҳо бериш ва тавсифини, нефропатияларни тажрибавий моделларида чиқарилган нафас конденсати таркибини ўзгариш тавсифини ўрганиш ва ўпка нореспиратор фаолиятидаги патогенетик ўзгаришидаги омилларни ўзаро боғлиқлиги ва азотемия ташхисийётида прогностик баҳосини аниқлаш, касаликнинг асоратларини белгиловчи омилларни бартараф этиш усуллари ишлаб чиқишни тақозо этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими тубдан янгиланди. Касалликларни эрта ташхислаш ва асоратларни камайтиришга алоҳида эътибор қаратиш натижасида сурункали буйрак етишмовчилигининг (СБЕ) олдини олиш бўйича кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилди. Аммо мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида сурункали буйрак етишмовчилиги мавжудлиги тегишли профилактик чоратадбирлар мажмуасини такомиллаштиришни тақозо қилади. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, аҳоли

¹ Горашко Н.М., Шестакова М.В., Чистяков Д.А. и соавт. Ассоциация полиморфных генов генов-кандидатов с диабетической нефропатией у больных сахарным диабетом 1 типа. Сахарный диабет - 2002; (1): 38-44.

² Бажибина Е.Б. Дополнительные методы лабораторной оценки функции почек и заболевания мочевыделительной системы // Ветеринария Кубани – Москва, 2006. - №1. – С. 29-31.

ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилиш тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш...»³, шунингдек турли соматик касалликларни профилактикаси ва ташхислаш, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш орқали аҳоли ўртасида касалланиш кўрсаткичларини пасайтириш ва умр узайишини таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сон «Ўзбекистонда оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича 2014-2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сурункали буйрак етишмовчилигида ўпканинг нореспиратор фаолияти ҳақидаги маълумотлар адабиётларда жуда кам келтирилган ва бир-бирига боғланмаган бўлиб, бу қаторга кирувчи беморларда даволаш натижаларини яхшилаш учун альвеолоцитларда энергия алмашиш даражасида метаболик жараёнларни тўғирлашда, тизимли ва умумий интенсив терапиянинг режасини тузишда қийинчилик яратади. Сурункали буйрак етишмовчилигида ўпкани зарарланиши қуйидаги кўринишда юзага чиқади: уремик пневмонит, ўпканинг нефроген шиши, ўткир пневмония. Сурункали буйрак етишмовчилигида беморларнинг кўп қисми қоида бўйича классик ўткир пневмония клиник белгиларни берувчи пневмония билан касалланишга берилувчан бўлади. Бу қатордаги беморларнинг кўпчилигида уремик ва фиброз плеврит ривожланади (Афанасьева А.И., Одинцова И.Н. 2007; Бажибина Е.Б. 2008; Бархатова Н.А. 2008; Белков С.А., Романов В.Е., Винокурова О.Л. 2004; Dagher P.C., Mai E.M., Nato T. 2012).

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

Буйрак етишмовчилигида ўпканинг нореспиратор фаолияти бузилишини ва плевропульмонал синдромни эрта ташхислаш усулларини ўрганиш, касалликни патогенетик терапия қонун-қоидаларини ишлаб чиқишга ва ўлим ҳолатларини камайишга ёрдам беради. Ушбу илмий иш ўпканинг нореспиратор фаолияти бузилишидаги муаммоларнинг мураккаблиги ва шу билан бирга муҳимлигини ўрганишга қаратилган

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ «Ўткир респиратор дистресс-синдромининг экстрапульмонал генези шаклланиш патогенезида ўпка нореспиратор функцияларининг компенсатор-мослашув реакциялари қонуниятларини ўрганиш» Ф5СС005 рақамли фундаментал грант лойиҳаси доирасида амалга оширилган (2007–2011 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади: турли хил этиологияли нефропатияда ўпканинг нореспиратор фаолиятидаги патогенетик ўзгаришлар ва уларни башорат қилиш учун ноинвазив инновацион усулни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

патологик жараёнини кечиши клиник шароитларга мос келадиган диабетик нефропатия фонидаги сурункали буйрак етишмовчилиги тажрибавий моделини ишлаб чиқиш ва азотемия намоён бўлиш хусусиятларини аниқлаш;

диабетик нефропатия фонидаги сурункали буйрак етишмовчилиги тажрибавий моделида ўпканинг морфологик тавсифини бериш;

турли хил этиологияли нефропатияларни тажрибавий моделларида аралаш веноз ва артериал қон намуналарида яллиғланиш олди цитокинлари ва яллиғланиш башоратчилари миқдорининг ўзгариш хусусиятларини текшириш;

турли хил этиологияли нефропатияларнинг тажрибавий моделларида аралаш веноз ва артериал қон намуналарида NO-тизими ҳолатига баҳо бериш ва тавсифини ўрганиш;

турли хил этиологияли нефропатияларнинг тажрибавий моделларида чиқарилган нафас конденсати таркибини ўзгариш тавсифининг ўрганиш ва ўпка нореспиратор фаолиятидаги патогенетик ўзгаришидаги омилларнинг ўзаро боғлиқлиги ва азотемия ташхисийетида прогностик баҳосини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти Тажрибада Тошкент тиббиёт академияси анъанавий лаборатор вивариясида жойлашган икки жинсдаги, массаси 1500–2500 гр бўлган 40 та зотсиз қуёнлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети турли хил этиологияли нефропатияда ўпканинг нореспиратор фаолиятидаги патогенетик ўзгаришлар ва уларни башоратлашда қон ва чиқарилган нафас конденсати, тажриба ҳайвонлари ўпкаси ва буйраги морфологик препаратлар сифатида олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун ишда клиник-лаборатор, биокимёвий, морфологик, иммунофермент ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

диабетик нефропатия фонидagi сурункали буйрак етишмовчилигини моделлаштиришнинг янги усули ишлаб чиқилган;

40-кундан бошлаб артериолаларда ангиопатияли характерли морфологик ўзгаришларнинг орқага қайтмайдиган хусусияти қон томирларда гиалиноз ва склерознинг ривожланиши натижасида микроциркуляциянинг бузилиши буйраклар функционал қобилятини издан чиқишига олиб келиши исботланган;

диабетик нефропатияда диабетик ангиопатия жараёни кечишини кескинлашишида ўпка тўқимасида морфоструктур ўзгаришлари босқичма-босқич кечишида I даврда ўпканинг респиратор ва қон томир тизими фаолиятида ўзгаришлар, II даврда ўпканинг ўзгармаган тўқималарида яллиғланишли ўзгариш ўчоқлари ва экссудатив бронхит ривожланиши, III даврда ўпканинг бутун респиратор тизимида қайтмас табиатли яққол ифодаланган яллиғланиш ҳолатларини юзага келиши исботланган;

турли хил этиологияли нефропатияда ўпкадаги эндотелиал тизимда ўзгаришларнинг ривожланиши, яллиғланиш олди цитокинлари миқдорининг қонда ошиши, iNOSнинг фаоллашуви, томирлар эндотелийсининг мембрана тузилмасида пероксинитритнинг ошиши фонидa NO ишлаб чиқарилишининг пасайиши, ўпка капиллярларида қон тўхташи ва димланишини кўзгатувчи, ўпка эндотелиал дисфункциясини ривожлантирилиши исботланган;

ўпканинг эндотелиал дисфункцияси, яллиғланиш олди цитокинларини фаоллаштириш ва уларни артериал қон оқимига тушиши, NO ишлаб чиқарилишининг пасайиши фонидa ўпканинг тўсиқ-фильтр фаолиятининг бузилишига олиб келувчи механизмини ишга соладиган вазоконструкция ривожланиши ва экссудатив бронхит ривожланишига олиб келиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

турли хил этиологияли нефропатиялар фонидa сурункали буйрак етишмовчилиги ривожланишидаги хос белгилар, ўпкага кирувчи ва чиқувчи турли қон синамаларидаги бир хил кўрсаткичлар билан солиштирилиб баҳоланган;

турли хил этиологияли нефропатиялар фонидa сурункали буйрак етишмовчилиги ривожланишидаги хос белгилар, ўпкага кирувчи ва чиқувчи турли қон синамаларидаги бир хил кўрсаткичлар, чиқарилган нафас конденсатидаги лаборатор кўрсаткичларда пайдо бўлиш муддати ва яққоллигига бевосита боғлиқ бўлганини эътиборга олиш кераклиги аниқланган;

тадқиқотга бундай ёндашув, ўпка нореспиратор фаолиятини баҳолаш учун жуда хослиги аниқланган;

ноинвазив усулда ташхислаш тоифасига кирувчи чиқарилган нафас конденсатидан фойдаланиш ёрдамида азотемия даражасини ҳисоблаш имконини берадиган «Azotemia» дастур ишлаб чиқилган;

ишлаб чиқилган «Azotemia» дастури чиқарилган нафас конденсатини йиғиш учун мос қурилмаси бўлгани ҳолда, азотемия даражасини баҳолаш ва

аниқланган бузилишларни тузатишга қаратилган керакли чораларни ўз вақтида қўллашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада ҳайвонлар олинганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларга бири иккинчисини тўлдирадиган клиник-лаборатор, биокимёвий, морфологик, иммунофермент ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилган. Турли хил этиологияли нефропатияда ўпканинг нореспиратор фаолиятини баҳолаш сифатини яхшилашга қаратилган профилактик тадбирларни изоҳлашда турли усуллар қўлланилгани, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти биз томонимиздан таклиф қилинаётган сурункали буйрак етишмовчилигининг оригинал моделлари патологик жараёни динамикада ривожланиш босқичларини аниқлаш имконини берди, айнан: 10–30-кунда буйраклардаги морфологик ўзгаришлар билан таққослаганда, моделларда буйрак коптокчалари фильтрацияси тезлиги озгина пасайган (1,6 дан 2,39 гача мл/соат/100г) ва ўртача (1,2 дан 1,59 гача мл/соат/100) пасайган шароитда диабетик нефропатия мавжудлигидан гувоҳлик берди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган «Azotemia» дастури ноинвазив ташхислаш усули ҳисобланиб, чиқарилган нафас конденсатидан фойдаланиш ёрдамида азотемия даражасини ҳисоблаш имконини беради. Бу эса ўз навбатида, келажакда, аниқланган бузилишларни тўғирлашга йўналган керакли чораларни ўз вақтида қўллашга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Турли хил этиологияли нефропатияда ўпканинг нореспиратор фаолиятини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Диабетик нефропатия ҳолатида сурункали буйрак етишмовчилигини моделлаштириш усули» учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (№IAP 04955, 04.11.2011). Мазкур усул қандли диабетда сурункали буйрак етишмовчилиги босқичларини ва патогенегентик жараёнларнинг кечиши даражасини аниқлаш, беморларда ўз вақтида патогенетик даво механизимини такомиллаштириш имконини берган;

«Тажрибавий диабетик нефропатия фонидаги сурункали буйрак етишмовчилигида ўпкадаги морфоструктуравий ўзгаришлари» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 6 февралдаги 8н-д/103-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма сурункали буйрак етишмовчилигида ўпкадаги морфоструктуравий ўзгаришларнинг босқичлари, касалликнинг кечишидаги морфологик ўзгаришлари ва касалликнинг олдини олиш механизмларини самарали татбиқ қилишга имкон яратган;

«Диабетик нефропатия фонидаги сурункали буйрак етишмовчилигининг янги тажрибавий морфологик тавсифи» услубий кўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 6 февралдаги 8н-д/103-сон маълумотномаси). Мазкур услубий кўлланма диабетик нефропатия фонидаги сурункали буйрак етишмовчилигининг янги тажрибавий морфологик тавсифи орқали касалликни аниқлаш имконини берган;

турли хил этиологияли нефропатияда ўпканинг нореспиратор фаолиятининг патогенетик механизмини аниқлаш, самарасини ошириш, беморлар умрини узайтириш ва яшаш сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Тошкент тиббиёт академияси марказий институтлараро илмий лабораторияси, Тошкент педиатрия тиббиёт институти марказий лабораторияси, Фармация тиббиёт институти марказий илмий-тадқиқот лабораториялари амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 30 апрелдаги 8н-з/66-сон маълумотномаси). Турли хил этиологияли нефропатияда ўпканинг нореспиратор фаолиятининг патогенетик механизмини аниқлаш орқали касалликнинг турли босқичларини эрта ташхислаш ва олдини олиш 40-кунидан бошлаб артериолаларда ангиопатияли характерли морфологик ўзгаришлар орқага қайтмайдиган хусусиятга эгаллиги, оқибатда қон томирларда гиалиноз ва склерознинг ривожланиши натижасида микроциркуляциянинг бузилиши, бу ўз навбатида буйраклар функционал қобилиятини издан чиқишига имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан 15 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган, 1 ихтирога патент олган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, иш натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Турли хил этиологияли нефропатияларнинг патогенези ва замонавий ташхис усулларининг асосий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар асосида турли хил этиологияли нефропатиялар, ўпканинг нореспиратор касаллиги муаммосининг ҳозирги ҳолати бўйича адабиётлар шарҳи берилган. Турли хил этиологияли нефропатиялар ўпканинг нореспиратор касаллиги этиологияси ва патогенези ривожланиш механизми, турли хил нефропатияларни касалликнинг ривожланишидаги ўрни тўғрисида тўлиқ илмий-амалий маълумотлар таҳлил қилинган ҳолда келтирилган. Тавсия этилаётган даволаш усуллари, уларнинг натижалари, афзалликлари ва камчиликлари баён этилган.

Диссертациянинг «**Турли хил этиологияли нефропатияларнинг патогенези ва замонавий ташхислаш материаллари ва баҳолаш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида текширишнинг материал ва усуллари баён этилган бўлиб, Тадқиқотлар тажрибада санитария-эпидемиология хизматлари талабларига жавоб берувчи Тошкент тиббиёт академияси одатий лаборатор вивариясида жойлашган иккала жинсдаги, массаси 1500–2500 гр бўлган 40 та зотсиз қуёнлардан фойдаланилган.

Тажрибавий моделларни ва ўпканинг нореспиратор фаолиятини текшириш услубларининг техник шароитларини ишлаб чиқиш мақсадида фойдаланилган ҳайвонлар статистик таҳлилга киритилмаган.

Сурункали буйрак етишмовчилигининг янги тажрибавий ва тадқиқот моделларини яратишнинг техник моделларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган тажриба материаллари тўплангандан сўнг, статистик таҳлил ўтказиш учун 40 та жонивордан фойдаланилди. Барча жониворлар 4 та гуруҳга ажратилди: назорат–10 та интакт қуёнлар (патологик жараён моделлаштирилмаган); биринчи асосий – диабетик ангиопатия (диабетик нефропатия) фонида нефропатиянинг тажрибавий модели 10 та қуёнда; иккинчи асосий – диабетик нефропатия фонидаги сурункали буйрак етишмовчилиги тажрибавий модели 10 та қуёнда; солиштириш гуруҳи–тажрибавий сурункали токсик нефропатия модели 10 та қуёнда.

Сурункали токсик нефропатия тажрибавий моделини А.К. Митциев ва ҳаммуаллифликда қўрғошин ацетатини қўллаш асосида ишлаб чиқилган (А.К.Митциев., В.Б.Брин «Сурункали токсик нефропатияни моделлаштириш усули» учун Россия Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ривожлантириш федерал агентлиги қошидаги Шимолий Осетия давлат тиббиёт академияси давлат олий касбий таълим муассасасининг (10.06.2009 й.) №2358327 патенти олинган).

Сурункали токсик нефропатияни моделлаштириш қуйидаги тарзда амалга оширилди:

заҳарли моддани олиш учун қўрғошин ацетат стерил дистилланган сувга эритманинг бир-бирлигига 0,2 мл сув, 8 мг қўрғошин (металл ҳисобида) аралаштирилди. Сўнг ҳайвонларнинг ҳар 100 гр вазнига 0,1 мл токсик эритма юборилди, бу тажрибавий жониворларнинг организми учун жуда юқори сув юкламаси бўлмайди. Қўрғошин ацетат эритмаси ошқозонга атравматик найча

орқали 16 кун давомида кунига 1 марта 40 мг/кг миқдорда юборилади. Сурункали токсик нефропатияни моделлаштириш шартига мувофиқ тажриба муддати 20 кунни ташкил қилди.

Диабетик нефропатия фонидаги сурункали буйрак етишмовчилигининг тажрибавий модели ўзига хос услуб бўйича Тошкент тиббиёт академияси МИТЛда ишлаб чиқилган («Диабетик нефропатия фонидаги сурункали буйрак етишмовчилигини моделлаштириш»), ихтирога патент, №IAP 04955, 04.11.2011й.) патологик жараёнлар аралашмасидан фойдаланилди. Буни асосида ангиопатия ривожланиши билан боғлиқ бўлган патологик жараёнлар ётувчи диабетик нефропатия, айрим ўзгаришлар билан биз томондан ишлаб чиққан услуб бўйича амалга оширилди («Диабетик ангиопатияни моделлаштириш йўллари»), ихтирога патент, №IAP 03462, 13.03.2008 й.).

Мазкур ихтирога мувофиқ артериолда характерли морфологик ўзгаришлар рўй беради, патологик жараённинг 10–30-кунида нефропатияни кечиши нормал буйрак коптокчалари филтрацияси тезлигида, қон ва сийдикда бир хил ўзгариш бўлиши билан характерланади. Патологик жараённинг 40-кунидан бошлаб бу ўзгаришлар орқага қайтмайдиган хусусиятга эга бўлиб, оқибатда микроциркуляция оқимини бузилишига олиб келувчи қон томирларнинг гиалинози ва склерози ривожланиши кузатилади, буйрак коптокчаларини филтрацияси тезлигининг пасайиши сабабли буйракларнинг функционал фаолияти пасаяди. Бошқача айтганда моделларда патологик жараённинг мазкур ривожланиш даврида, айнан 40-кунида сурункали буйрак етишмовчилиги ривожланишининг бошланғич ўрни сифатида фойдаландик. Мазкур даврдан бошлаб бизнинг тажрибаларимизда буйрак тўқималарида алтератив, некробиотик ва некротик морфологик ўзгаришлар аниқланди.

Шунингдек, буйрак коптокчаларига қон қуйилиши, буйрак найчаларининг кенгайиши, айрим гуруҳ найчаларининг некрози, уларнинг тўлиқ гидрок дисторфияси фонида барча каналчалар некробиози қайд қилинди. Каналчаларда шиш, дистрофик ўзгаришлар, кичик ўчоқли қон қуйилишлар аниқланди.

Усул қуйидаги тарзда амалга оширилди: массаси 1500–2500 грамм бўлган куёнларга наҳор пайти, эфир наркози остида вена ичига доксорубицинни 0,9 % натрий хлордаги эритмаси 100–110 мг/кг юборилди, 48 соатдан сўнг кунига 1 маҳал, 3 кун давомида қорин бўшлиғига сорбитолни 70% ли эритмасидан ҳайвонинг 100 гр вазнига 0,2–0,4 мл юборилади.

Қандли диабет ривожланишининг клиник-лаборатория кўрсаткич тасдиғидан (гипергликемия, глюкозурия) кейин, эфир наркози остида, асептик шароитда бел соҳадан иккита қийшиқ кесма орақали қорин бўшлиғи очилади. Босқичма-босқич ўнг ва чап буйраклар ажратилди ва (органик юқори қисмидан пастги қисмигача) 50%дан 70%гача бўлган ҳажмда органнинг пустлоқ қисмидан мағиз қатлами доирасида электрокоагулятор ёрдамида термик яралар ҳосил қилинади. Буйрак капсуласини термик жароҳатлашда майдон ҳажми ва худудини танлаш шу билан изоҳланадики, буйракнинг 50%дан кам бўлган қисми қуйдирилганда патологик жараёнлар

содир бўлмади, 75%дан ортиқ қисми қуйдирилганда эса жониворлар ўткир буйрак етишмовчилигидан 24–48 соат давомида ҳалок бўлди.

Биз ишлаб чиққан диабетик ангиопатия фонига нефропатия моделини қайд қилиш қуйидаги кўрсаткичларни баҳолаш асосида ўтказилди: ўз-ўзидан пайдо бўладиган 4-соатли диурез даражаси, буйрак коптокчалари филтрациясининг тезлиги, Na ва Ca экскрецияси даражаси, сийдик таркибидаги оқсил ва глюкоза миқдори, сийдикнинг осмолярлигини баҳолаш.

Нефропатия ва сурункали буйрак етишмовчилиги моделларида ҳайвонларни креатинин ажратиш клиренсининг баҳолаш усули буйрак коптокчаларини филтрацияси тезлиги кўрсаткичларининг ўзгаришига қараб ўтказилди. Охирида гломеруляр (коптокча) филтрацияси тезлиги акс эттирилди. Коптокчалар филтрацияси тезлиги пасайишининг асосий сабаби креатинин клиренсининг пасайишидир. Синама шунга асосланганки креатинин фақат буйрак коптокчалари орқали филтирланади, амалда каналчалар томонидан сўрилмайди ва ишлаб чиқилмайди.

Биз Е.Б.Бажибина (2006) томонидан таклиф қилинган усулдан фойдаландик: ҳайвонларни сийдик пуфаги катетеризация қилиш йўли билан тўлиқ бўшатилади; ҳайвонларга томизгич ўрнатилади (инфузия бошланиш вақти қайд қилинади); 4 соат ўтгандан кейин (қунига 1/6 қисми) қон олинади ва барча сийдик катетеризация қилинади.

Филтрлаш тезлигини ҳисоблаш қуйидаги формула бўйича амалга оширилди:

$$\frac{\text{Сийдик ҳажми(мл) X сийдикдаги креатинин (мг\ мл)}}{\text{вақт (мин) X зардоб креатинини (мг\мл) X вазн (кг)}}$$

Аниқ ҳисоблаш учун арифметик маълумотлар минутлар соатда, жониворларнинг 100 грамм тана массаси килограммларда қайта ҳисоб-китоб қилинди. Сўнг креатинин клиренси (коптокчалар филтрацияси тезлиги) мл/соат/жониворнинг 100 г массасида ўлчанди.

Бунда стратификация шартларига кўра сурункали буйрак етишмовчилиги босқичлари мазкур кўрсаткичларга мувофиқ қуйидаги тарзда ажратилди: буйрак коптокчалари филтрацияси тезлигининг юқори даражаси – 2,4 мл/соат/100 г жонивор массасидан юқори (C_1); буйрак коптокчалари филтрацияси тезлигининг озгина пасайиши – 1,6 дан 2,39 гача мл/соат/100 г жонивор массасигача (C_2); буйрак коптокчалари филтрацияси тезлигини ўртача пасайиши – 1,2 дан 1,59 гача мл/соат/100 г жонивор массасигача (C_{3a}); буйрак коптокчалари филтрацияси тезлигини муҳим пасайиши 0,8 дан 1,19 гача мл/соат/100 г жонивор массасигача (C_{3b}); буйрак коптокчалари филтрацияси тезлигининг ўткир пасайиши – 0,4 дан 0,79 гача мл/соат/100 г жонивор массасигача (C_4); буйрак коптокчалари филтрацияси тезлигининг терминал пасайиши – 0.4 мл/соат/100 г жонивор массасидан кам (C_5).

Агар буйрак коптокчалари филтрациясининг тезлиги C_1 бўлганда жониворлар модел ҳосил бўлмаганлиги учун тадқиқот динамикасидан олиб

ташланди. Буйрак коптокчалари фильтрацияси тезлиги C_2 ва C_{3a} бўлганда жониворлар иккинчи асосий гуруҳ–диабетик ангиопатия фонидagi нефропатия гуруҳига ўтказилди. Буйрак коптокчалари фильтрациясининг тезлиги C_{3b} , C_4 ва C_5 бўлганда эса жониворлар учинчи асосий гуруҳ–сурункали буйрак етишмовчилиги гуруҳига ўтказилди.

Биз томондан мураккаблаштирилган қон намуналарини йиғиш жараёнида нафас чиқаргандаги ва олгандаги қон таркиби намуналаридаги ЯОЦ, яллиғланиш жараёни хабарчилари, нитрооксидергик тизим ҳолати назорат сифатида олинган ҳолатда, ўпканинг нореспиратор фаолияти ва динамикада турли хил этиологияли нефропатиянинг ривожланиши ҳақида маълумотлар олиш учун тадқиқотлар ўтказилди («Ўпка метаболик фаолятини ўрганиш усуллари», 25.02.1994 йилдаги 167-сонли рационализаторлик таклифи гувоҳномаси). Анъанавий усуллар билан олинган натижалар, жумладан метаболизм маҳсулотларининг ўртача таркиби ва ўртача хатоликларини аниқлаш, барча текширилган ҳайвонларда ўпкага оқиб кираётган (веноз) ва ундан оқиб чиқаётган (артериал) қондаги субстратлар фарқи ҳажми ҳар бир қон намунасида ҳисобланиб, бу веноз-артериал фарқ (ВАФ) деб белгиланди (1-расм).



1-расм. Аралаш веноз (тўқ олча рангида) ва артериал (оч қизил рангида) қон синамаларини олиш усуллари

ВАФ таҳлилидан ташқари ўпканинг экскретор функцияси юзасидан билвосита мушоҳада қилишга имкон берадиган чиқарилган нафас конденсатидаги ўхшаш кўрсаткичлар ўрганилди.

Ҳайвонларнинг чиқарган нафас конденсатини (ЧНК) йиғиш учун С.В.Федотов ва ҳаммуаллифлари томонидан ишлаб чиқилган қурилмадан фойдаланилди. Маълумки, ушбу қурилма ЧНК буғларни тўлиқ конденсациялаш имконини беради ва сақлаш ҳамда ташиш учун алоҳида шароит талаб қилмайди.

Қурилма совутиш камерасига жойлаштирилган, Т-шаклдаги найсимон конденсаторга уланган тумшукбоғ-ниқобдан иборат. Т-шаклдаги найсимон конденсатор металлдан ишланиб, ичи полиуретанли плёнка билан қопланган, совутиш камераси (музли пуфак) эса иссиқликдан ҳимояловчи қопламага жойлаштирилиб, Т-шаклидаги найсимон конденсаторнинг ўтиши учун йўл қилинган олинувчи қопқоқ билан таъминланган.

ЧНКни йиғиш усули қуйидагича амалга оширилади: хайвон тумшукчасига, у орқали нафас оладиган тумшукбоғ-ниқоб зич маҳкамланиб, кейин у Т-шаклли найсимон конденсаторга уланди. Найсимон конденсаторга тушаётган ҳаво совутиш камерасидан ўтиб, совуши натижасида конденсирланиб суюқликка айланади. Бу эса кейинги биокимёвий тадқиқотлар учун ашё ҳисобланади.

Қон синамалари ўрнатилган катетерлардан олинади. Бунда ўнг катетердаги қон тўқ олча рангида бўлиб, у аралаш веноз қонга мос келади; чап катетердаги қон оч қизил рангида бўлиб, артериал қонга мос келади (1-расм).

Шу билан бирга анъанавий статистик усуллар билан олинган натижалар, жумладан кўрсаткичларнинг ўртача таркиби ва ўртача хатолигини аниқлаш ($M \pm m$), барча текширилган хайвонларда ўпкага оқиб кираётган (веноз) ва ундан оқиб чиқаётган (артериал) қондаги субстратлар фарқи ҳажми ҳар бир қон синамасида ВАФ ҳисоблаб чиқилди.


Диссертациянинг «**Диабетик нефропатия ва сурункали буйрак етишмовчилиги тажрибавий моделида ўпканинг морфологик тузилишининг ўзгариши**» деб номланган учинчи бобида диабетик нефропатия фонидаги сурункали буйрак етишмовчилиги ўпканинг морфологик тузилмасидаги ўзгаришлар баён қилинган.

Диабетик нефропатия фонида сурункали буйрак етишмовчилигини моделлаштириш динамикасида ўпканинг морфоструктур ўзгариши ривожланувчи диабетик ангиопатия фонида навбатдаги босқичли ўзгаришлар билан тавсифланди.


Биринчи босқич (10–20 кунлар) қон томирларнинг навбати билан кенгайиб-торайишининг кузатилиши ва периваскуляр шиш бўлиши билан тавсифланди. Бир қанча майдонларда, айниқса торайган қон томирлар яқинида бириктирувчи тўқиманинг зичлашиши аниқланди. Перибронхиал бириктирувчи тўқималардаги етук фибробластлар коллаген толалар тутами орасида жойлашди ҳамда уларнинг цитоплазмасида кўп сонли вакуолалар аниқланди. Бир қисм бронхлар торайган ҳолда бошқаларнинг бўшлиғи эса кескин кенгайган ҳолатда бўлди.

Иккинчи босқич (30 кундан) ўзгармаган ўпка тўқимаси орасида яллиғланишли ўзгариш ўчоқлари ва экссудатив бронхит аниқланиши билан тавсифланди. Альвеолалар бўшлиғидаги экссудатда нейтрофил лейкоцитлар аниқланиб, улар альвеолалараро тўсиқ, перибронхиал тўқимага ва бронхлар деворига инфильтрланган. Экссудатли альвеолалар гуруҳи орасида доимо ўткир эмфизема майдонлари ҳамда кўпинча шиш суюқлиги билан

биргаликда эритроцитлар аралашмасига эга бўлган ва буришган алвеоцитлар соҳалари учрайди (2-расм).



2-расм. Диабетик нефропатия моделининг 30-куни. Капиллярларнинг тромбоз аломатлари билан биргаликдаги тўлақонлилиги ва эритроцитларнинг базал мембранага адгезияси. Гемотоксилин ва эозин. 400 марта катталаштирилган.



3-расм. Диабетик нефропатия моделининг 60-куни. Артериолалар деворининг эндотелий қавати тўлиқ йўқолиб гиалинозланиши, эритроцитларнинг базал мембранага яқин жойлашиб, гемолизга учраши аломатлари. Гематоксилин ва эозин. 400 марта катталаштирилган

Учинчи босқич (40–60 кунлар) ўпка тўқимасининг гистологик кесмасида тўлиқ ўрин эгаллаган яллиғланиш майдонлари борлиги билан тавсифланиб, альвеолалар бўшлиғи тўрли фибрин моддаси ва нейтрофил лейкоцитлар билан тўлган бўлади. Экссудат альвеолалар деворига зич ёпишмайди (орасида тирқишли ёриқлар кўринади), альвеолалараро йўл бўйлаб кўшни альвеолалар гуруҳига тарқалади. Альвеолалараро тўсиқда яллиғланиш яққол ифодаланмай, фақат томирлар гиперемияси, стаз, строма шиши кузатилади. Майда қон томирлар қисмлари бўшлиғида тромблар бўлади. Яна бронхлар девори ва перибронхиал тўқималарда яллиғланиш белгилари ҳам учрайди (3-расм).

Диссертациянинг «**Турли хил этиологияли нефропатияда ўпканинг нореспиратор фаолиятини баъзи кўрсаткичларининг тавсифи**» деб номланган тўртинчи бобида тажрибавий турли хил этиологияли нефропатия моделларининг аралаш веноз ва артериал қон намуналарида яллиғланиш олди цитокинлари, яллиғланиш хабарчиларини миқдорини ўзгариш тавсифи ва NO-тизимининг ҳолати ёритилган. Шу билан бирга тажрибавий турли хил этиологияли нефропатия моделларининг чиқарган нафас конденсатидаги намуналари таркибининг ўзгариши ва тавсифи ҳақида маълумотлар келтирилган.

Турли хил этиологияли нефропатияларга чалинган жониворларнинг чиқарилган нафас конденсатидаги (ЧНК) креатинин ва мочевина таркибининг тадқиқотидан шу нарса маълум бўлдики, бу кўрсаткичларнинг ўсиш даражаси ўлган жониворларда энг юқори чўққига чиқди. Азотемия даражаси билан ЧНКдаги креатинин ва мочевинанинг ошиши орасидаги

бевосита корреляцион боғланиш, танланган тажриба моделларида СБЕ нинг якуний кўриниши, худди аслидек ишончли бўлганини тасдиқлади.

Бизнинг фикримизча, ўпка тўқимасининг турли даврларда морфоструктурасининг қайта тузилишида, ушбу муҳитда ЧНКдаги креатинин ва мочевина миқдори ўпканинг нореспиратор фаолияти (ЎНФ) ҳолатини тавсифлайдиган тадқиқот кўрсаткичлари орасидаги корреляцион боғлиқликни баҳолаш, турли хил этиологияли нефропатияларда ЎНФ ўзгариши патогенези кетма-кетлигини очишни яқинлаштиришга имкон беради.

Ўпканинг морфоструктур ўзгаришининг I даврида креатинин миқдорининг кўтарилишидаги корреляцион боғлиқликда IL-1b (0,915) ва IL-6 (0,890)ларнинг бевосита юқори корреляцион боғланиши кузатилди, яъни азотемияга параллел равишда яллиғланишга қарши цитокинлар биринчи сигнал бўлиб юзага чиқди. Бевосита корреляцияда кичик даражада прокальцитонин фарқланиб турди. Айни вақтда қайтар корреляцион боғлиқликда ЧНКдаги креатинин даражасининг ошиши, томирлар тонусини нитроксиэргик бошқарувчи NO ва NOSлар кўрсаткичлари фарқланди.

Ўпканинг морфоструктур қайта шаклланишининг II даврида ЧНКда, ушбу биомуҳитда креатинин миқдорининг ошиши билан бевосита корреляцион боғланиш хусусиятига эга кўрсаткичлар 2 дан 5 гача ошди. Прокальцитонин, лактоферин, НАДФНга боғлиқ НРга (никотинамид-адениндинклетидфосфатга боғлиқ нитратредуктаза) ва ONO_2^- лар юқори миқдори билан ажралиб турди. Шу сабабдан қайтар корреляцион боғлиқлик кўрсаткичлари (NO ва NOS) 0,24 ва 0,157 га мос равишда аввалги текширув муддатларига солиштирганда ошди. Шуниси эътиборга молиқки, бевосита корреляцион боғланишда ЯОЦлари IL-1b 0,915 дан 0,978 гача ва TNF- α 0,588 дан 0,767 гача ошганида, бошқа ЯОЦ IL-6 0,890 дан 0,656 гача нисбатан пасайган.

Ўпка тўқимаси қайта шаклланишининг III даврида ЧНКдаги креатинин миқдorigа юқори корреляцион боғлиқлик, томирлар тонусини бошқарувчи нитроксиэргик тизим кўрсаткичларига нисбатан кузатилди. Бевосита корреляцион боғлиқлик ONO_2^- ва НАДФНга боғлиқ НРга нисбатан (мос равишда 0,980 ва 0,917) ва қайтар корреляцион боғланиш NO ва NOSга нисбатан (мос равишда – 0,767 ва 0,629) кузатилди.

Ўпканинг морфоструктур қайта шаклланишининг I даврида ЧНКдаги мочевинанинг ошишига нисбатан яллиғланишнинг эрта даракчиларига (прокальцитонин ва лактоферин) ва НАДФНга боғлиқ НРга юқори даражада бевосита корреляция кузатилди. Бунда тажрибаларнинг кейинги муддатларида ONO_2^- ва ЯОЦнинг кўшилиши билан юқоридаги кўрсаткичларнинг бевосита корреляцион боғланишдаги ҳиссаси ошди. Шуниси эътиборга молиқки, бутун тадқиқот динамикаси давомида, ўпканинг морфологик ўзгаришининг III даврида NO ва NOSларнинг энг юқори қийматга чиққан қайтар корреляцион боғланиши ўсиб борди.

Шундай қилиб, ЧНКдаги кўрсаткичларнинг ўзгариши ва ўпка структурасининг даврий қайта шаклланишларини корреляцион боғлиқликка

ўтказилган таҳлили бизга босқичли табиатга эга қатор қонуниятларни аниқлашга имкон берди. Айнан ўпка морфоструктур ўзгаришининг I даврида эса ONO_2 , NO ва NOS кабиларнинг кўрсаткичлари, яъни томирлар бошқарувининг нитроксиэргик тизими кўрсаткичлари нисбатан юқори корреляцион коэффициентлиги билан тавсифланди. Шу сабабдан NO ва NOS каби кўрсаткичлар тузилишига мос манфий корреляцион коэффициентга эга бўлди.

II даврда ўпкада морфоструктур ўзгаришларга хос бўлган бевосита (ONO_2^- , НАДФНга боғлиқ НР) ва қайтар (NO ва NOS) корреляцион боғланиш билан томирлар бошқарувининг нитроксиэргик тизими орасида ошиш кузатилди. Бу даврдаги патологик жараённинг кечишида TNF- α кўрсаткичи бўйича ҳам корреляцион боғлиқликнинг ошиши аниқланди. Мочевина ва креатинин каби кўрсаткичларнинг бевосита корреляцион боғлиқликда дастлабки қийматидан ошиши, афтидан азотемиянинг ривожланиши ва ЧНК да азот сақловчи таркибий бирикмаларнинг ажралиши билан боғлиқ.

Корреляцион коэффициентнинг етарли даражада юқори қийматда бўлиши, ўпка морфоструктур қайта шаклланишининг III даврида яллиғланиш олди TNF- α ва IL-1b цитокинларига нисбатан кузатилди. Ушбу ҳолатда ЧНКда юқори микдорда азотемия кузатилди.

Турли хил этиологияли нефропатиялар фонида СБЕ тажриба моделларида ривожланганда: ЯОЦлари ва NO – микроциркуляцияни яққол бузадиган, тўқима гипоксияси, альвеоляр ва интерстициал шишни келтириб чиқарадиган ҳамда ЎНФ меъёрий фаолиятини шикастлайдиган изчил занжир реакциясини бошлаб юборади.

Турли хил этиологияли нефропатияларнинг тажриба моделларида бошланғич даврнинг кечишида бизга маълум бўлган ўпканинг морфологик текширувидаги периваскуляр шиш – буйракнинг токсик зарарланишига яллиғланиш ўчоғидан аралаш веноз қонга парчаланиш махсулотлари ва микроқисмларни чиқарилиши организмнинг жавоб реакцияси билан боғлиқ бўлган. Ушбу ҳолат тажриба моделидаги жониворларда қон айланишининг бузилиши фонида ангиогенез билан боғлиқ тубдан ўзгарган жараёнлар пайдо бўлгани учун диабетик ангиопатияни келтириб чиқаришни оғирлаштирди. Шу билан боғлиқ равишда, қон томирлар атрофидаги бириктирувчи тўқималар зичлашишининг ривожланиши яққол ифодаланган бузилишларига олиб келди. Ўпка тўқимасида, айниқса, бронхлар атрофидаги бириктирувчи тўқималарнинг коллаген толалари тутамлари орасида жойлашган етук фибробластларнинг концентрацияси, айнан шу хужайралар ишлаб чиқарган яллиғланиш даракчилари даражасининг ошишига асос бўлиб хизмат қилди.

Табиийки, ўпканинг эндотелиал тизими ҳолатини акс эттирийдиган, бошқарувнинг нитроксиэргик тизимининг бузилиши, бронхиолаларнинг торайишига ёки кенгайишига олиб келди.

Ўпкага кирувчи ва чиқувчи қон синамаларининг тадқиқ қилинган, бизга маълум бўлган таркибидаги ўзгаришлар, қон оқимида цитокинлар махсулдорлигининг бир қанча даврлари ривожланиши тўғрисида дарак берди. Шикастловчи омилга жавобан цитокинларнинг муайян жойда ишлаб

чиқарилиши, яллиғланишнинг маҳаллий белгилари билан кузатилади. Кейинчалик цитокинларнинг кичик миқдорда қон айланиш доирасига тушиши натижасида, хужайра элементлари (фибробластлар) фаоллашади. Бу ўзгаришлар, ўпкадаги эндотелиал тизимда ўзгаришларнинг ривожланишига олиб келувчи ЯОЦ миқдорининг қонда ошиши билан тавсифланади.

